

ҒҮЗАНИНГ КҮЧАТ ҚАЛИНЛИГИНИ ПАХТА ҲОСИЛИГА ТАЪСИРИ

Жанибеков Дилёрбек Абдуманнобович

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Аннатация

Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида чигит экиш усуллари ва тизимларини ғўза ўсимлигининг ўсиши, ривожланиши ва пахта ҳосилдорлигига таъсирини ўрганилди.

Калит сўзлар: чигит, кўчат, экиш тизими, очик майдон, плёнка, мулчалаш, пахта, ҳосилдорлик.

Аннатация

На светло-серых почвах Андижанской области изучено влияние способов и систем посева семян на рост, развитие и продуктивность хлопчатника.

Ключевые слова: посевной материал, рассада, система посадки, открытый грунт, пленка, мульчирование, хлопчатник, продуктивность.

Abstract

On light gray soils of the Andijan region, the influence of methods and systems of sowing seeds on the growth, development and productivity of cotton was studied.

Keywords: seed, seedlings, planting system, open ground, film, mulching, cotton, productivity.

КИРИШ. Бугунги кунда дунё пахтчилигига ерлардан фойдаланишда замонавий агротехнологиялардан самарали фойдаланиш орқали мақбул ғўза қатор ораликларини ишлаб чиқиши, тупроқнинг агрономик хусусиятларини яхшилаш ҳамда юқори ва сифатли ҳосил этиштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. «Ҳозирда ғўза ўсимлиги дунё бўйича 80 дан ортиқ мамлакатда, 32 миллион гектардан ортиқ майдонда этиштирилиб, йилига 25 миллион тоннадан кўпроқ тола ҳосили олинмоқда» Шу билан бирга ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил олишнинг истиқболли агротехнологияларини ишлаб чиқиши, шунингдек, экин майдонларидан оқилона фойдаланишда янги экиш схемаларини ишлаб чиқишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда пахта тўқимачилик саноантининг асосий ҳом-ашёси ҳисобланиб, пахта толасига бўлган ахтиёж йилдан йилга ортиб бормоқда. “Дунёning 92 дан ортиқ мамлакатларида йилига 26,2 млн. тонна пахта толаси этиштирилиб, бунинг 6,2 млн

тоннаси Ҳиндистон, 6,1 млн тоннаси Хитой, 3,6 млн тоннаси АҚШ, 2,4 млн тоннаси Покистон, 1,4 млн тоннаси Бразилия ва 1,1 млн тоннаси Ўзбекистон, каби давлатларнинг ҳиссасига тўғри келади. Ушбу давлатлар ер юзида етиширилаётган пахта толасини 79,7 фоизини ишлаб чиқариши билан бирга энг кўп тола экспорт қиласидаги давлатлар ҳисобланади. Юқорида келтирилган маълумотлардан хуноса қилиш мумкинки, оғир ва енгил саноатни йилдан йилга пахта толасига бўлган талабини ортиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда янги ҳосилдор навларни яратиш ва уларни морфологик ҳамда биологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда ресурстежамкор агротехнологияларни ишлаб чиқиши қишлоқ хўжалиги ҳодимлари олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Дунёданинг пахта етиширувчи ривожланган мамлакатларида ғўза ўсимлигини парваришилашда илғор фан ютуқларидан кенг фойдаланган ҳолда тола сифати юқори бўлган пахта ҳосили етиширишга катта эътибор қаратиб келмоқдалар. Бу борада чигитларни экиш муддатларини тўғри белгилаш ва чигитларни экиш тизимларини танлашда ғўза навларини биологик ва морфологик хусусиятларини, етиширилаётган минтақанинг тупроқ хоссаларини, иқлим шароитларини ҳисобга олиш муҳумдир. Ғўза ўсимлигидан юқори пахта ҳосили ва сифатли тола етиширишда ҳар бир навни биологик ва морфолок хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда минтақалар кесимида мақбул экиш муддатлари ва экиш тизимларини ишлаб чиқишига қаратилган илмий тадқиқотлар олиб бориш шу кундаги муҳим ва долзарб масалалардан ҳисобланади.

Юқорида келтирилган муаммоларни ечимини топиш мақсадида Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ғўза чигитини турли экиш усуслари ва тизимларида экилиб, ўсиши, ривожланиши ва пахта ҳосилдорлигига таъсири ўрганилди.

Илмий-тадқиқот ишлари 2018-2020 йиллари Андижон вилоятининг Асака туманида жойлашган Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етишириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Андижон илмий-тажриба станциясининг тажриба далаларида оч тусли бўз тупроқлар шароитида олиб борилди.

Тажриба тизими 17 та вариантдан иборат бўлиб, 3 қайтариқда, бир ярусда жойлаштирилди. Тажрибада вариантларида эгатлар кенглиги 90 см ва 114 см, эгат узунлиги 100 м. Ҳар бир бўлакчалар майдони эгат кенглиги 90 см бўлган варианtlарда 720 m^2 , шундан ҳисобга олинадиган майдон 360 m^2 . Эгат кенглиги 114 см бўлган варианtlарда 912 m^2 , шундан ҳисобга олинадиган майдон 456 m^2 . Тажрибаларнинг умумий майдони 4,2 гектарни ташкил этди.


Ғўзада фенологик кузатув ва ҳисоблаш ишларини олиб боришида «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур» (М, Колос, 1964) ва “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (ЎзПИТИ, 2007) услубий қўлланмаларидан фойдаланилди.

Илмий адабиётлардан барчага маълумки, уруғнинг униб чиқиши учун аввало намлик, иссиқлик ва ёруғлик омиллари талаб этилади. Экиш муддатларини эрта белгилаш тупроқда иссиқликнинг етишмовчилигига олиб келса, кеч белгилаш тупроқда намликнинг етишмовчилигига олиб келади.

Чигитни мақбул муддатда экиш, тупроқнинг табиий намлигидан оқилона фойдаланиб, униб чиқиши туфайли кейинчалик ғўзанинг сувсизликка бардошлилигини оширади ва эртаки ҳосил олинади.

2018-2020 йиллар давомида олиб борган тадқиқотларимизда турли тизимларда экилган чигитларни униб чиқиш динамикасига экиш усувларини таъсири сезиларли бўлганлиги кузатилди.

Жумладан, чигитлар очиқ майдонга $90 \times 10-1$ тизимида экилган 1-вариантда кўчат қалинлиги ўрганилганида, амал даври бошида 97,9 минг туп/га ни, амал даври охирида 78,9 минг туп/га ни, амал даври давомида кўчатларнинг нобуд бўлиши 19,4% ни кўрсатгани аниқланган бўлса, очиқ майдонга чигитлар $90 \times (60 \times 30) \times 12-1$ ва $90 \times (60 \times 30) \times 15-1$ тизимларда экилган 3-4 варианtlар таҳлил қилинганида, амал даври бошида кўчат қалинлиги 164,5-130,8 минг туп/га ни, амал даври охирида эса кўчат қалинлиги 128,4-104,7 минг туп/га ни, амал даври давомида нобуд бўлган кўчатлар 21,9-20,0% га teng бўлиб, 1-вариантга нисбатан кўчатларнинг нобуд бўлиши 2,5-0,6% фоизгача, очиқ майдонга чигитлар $(76 \times 38) \times 8,8-1$; $(76 \times 38) \times 9,7-1$; $(76 \times 38) \times 11,4-1$ тизимда экилган 9-10-11 варианtlарда ҳисоблаш ишлари олиб борилганида амал даврида кўчат қалинлиги мос равишда 177,7-160,0-136,6 минг туп/га ни, амал даври охирида кўчат қалинлиги 137,4-126,1-108,6 минг туп/га ни, амал даври давомида кўчатларнинг нобуд бўлиш кўрсаткичи 22,7-21,2-20,5% ни кўрсатгани ҳолда 1-вариантга нисбатан кўчатларнинг нобуд бўлиши 3,3-1,8-1,1% гача камайганлиги аниқланди (1- диаграмма).



1-диаграмма. Турли усул ва схемаларда чигит экишни хақиқий кўчат қалинлигига таъсири, минг туп/га

Пуштага плёнка түшаб, чигитлар 90x10-1 тизимида экилган 2-вариантда күчат қалинлиги бўйича маълумотлар олинганида, амал даври бошида ўртача 99,6 минг туп/га ни, амал даври охирида эса 82,4 минг туп/га ни, ўсув даври давомида нобуд бўлган кўчатлар 17,2% тенг бўлганлиги кузатилган бўлса, пуштага плёнка түшаб, чигитлар кўшқатор қилиб 90x(60x30)x12-1 ва 90x(60x30)x15-1 тизимларида экилган 5-6 варианларда кўчат қалинлиги ўрганилганида амал даври бошида 166,3-133,1 минг туп/га ни, амал даври охирида 133,7-109,2 минг туп/га ни, ўсув даври давомида нобуд бўлган кўчатлар эса 19,6-17,9% ни ташкил этгани ҳолда 2-вариантга нисбатан кўчатларнинг нобуд бўлиши 2,4-0,7 фоизгача, пуштага плёнка түшаб, чигитлар кўшқатор қилиб (76x38)x8,8-1; (76x38)x9,7-1; (76x38)x11,4-1 тизимларда экилган варианларда эса тегишли равишда кўчат қалинлиги амал даври бошида 180,9-163,1-138,9 минг туп/га ни, амал даври охирида 143,8-131,8-113,2 минг туп/га ни, кўчатларнинг амал даври давомида нобуд бўлиш даражаси 20,5-19,2-18,5 фоизга тенг бўлгани ҳолда 2-вариантга нисбатан 3,3-2,0-1,3 фоизга пасайиб борганлиги қайд этилди.

Ёппасига плёнка түшаб, чигитлар пуштага кўшқатор қилиб 90x(60x30)x12-1 ва 90x(60x30)x15-1 тизимларида экилган 7-8 варианлар ўрганилганида, амал даври бошида кўчат қалинлиги 166,3-133,1 минг туп/га ни, амал даври охирида 133,7-109,2 минг туп/га ни, ўсув даври давомида нобуд бўлган кўчатлар 19,6-17,9 фоизни кўрсатиб, 2-вариантга нисбатан кўчатларнинг нобуд бўлиши 1,7% гача пасайиб борганлиги кузатилган бўлса, ёппасига плёнка түшаб, чигитлар пуштага кўшқатор қилиб (76x38)x8,8-1; (76x38)x9,7-1; (76x38)x11,4-1 тизимларда экилган 15-16-17 варианларда кўчат қалинлиги амал даври бошида 181,9-164,0-140,1 минг туп/га ни, амал даври охирида эса 146,1-133,6-115,5 минг туп/га ни, амал даври давомида нобуд бўлган кўчатлар 19,7-18,5-17,6 фоизга тенг бўлганлиги аниқланиб, 2-вариантга нисбатан 2,5-1,3-0,4 фоизга пасайиб борганлиги қайд этилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, кўчат қалинлигининг ортиб бориши, кўчатларни амал даври давомида ҳар-хил омиллар таъсирида нобуд бўлиш даражасини кўпайтиради.

Пахта ҳосилини ўз вақтида йиғиб-териб олиш муҳим агротехник тадбир ҳисобланади. Кўпгина ҳолларда ғўза майдонларида 25-30% қўсак очилгандан теримга тушиш оқибатида, тўлиқ етилмай яхши очилмаган қўсаклар пахтаси терилиб, пахта ҳосили салмоғи ва сифати пасайиб кетади [2].


Ғўзани кўшқаторлаб парваришилаш натижасида ерлардан фойдаланиш самарадорлиги 33,7% га ортиши, маъданли ўғитлардан фойдаланиш унуми 10-15% га ошиши, ЁММ сарфи 30% га тежалиши, тор (30 см) қаторларни қолдириб суғориш натижасида сув сарфи 10-12% га тежалиши, ёки суғориш сонини 0,5-1 марта камайиши, ҳар гектаридан

25-30 минг туп қўшимча кўчат олиниши ҳисобига пахта ҳосилдорлиги 6,0-9,0 ц/га ошиб фермер хўжаликларининг манфаатдорлиги ортади [5].

Барчага маълумки, ҳар бир экинга қўлланилган агротехник тадбирларнинг самарадорлиги ҳосилдорлик кўрсаткичлари билан баҳоланади.

Биз ҳам олиб борилган тадқиқот йиллариларимизда варианларда ғўза ўсимлигини парваришилашда қўлланилган агротехнологияларни пахта ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш мақсадида варианлар кесимида пахта ҳосилдорлиги аниқлаб чиқилди.

Жумладан, чигитлар очик майдонга 90x10-1 тизимда экилган 1-вариантда пахта ҳосилдорлиги аниқланганида, йиллар бўйича ўртача 30,4 ц/га ни ташкил этганлиги аниқланган бўлса, чигитлар очик майдонга қўшқатор қилиб пуштага 90x(60x30)x12-1 ва 90x(60x30)x15-1 тизимларда экилган 3-4 варианларда пахта ҳосилдорлиги йиллар кесимида ўртача 33,0-31,2 ц/га ни ташкил этиб, чигитлар очик майдонга 90x10-1 тизимда экилган 1-вариантга нисбатан 2,6-0,8 ц/га қўшимча пахта ҳосили олинганлиги кузатилди. Чигитлар очик майдонга қўшқатор қилиб, (76x38)x8,8-1; (76x38)x9,7-1; (76x38)x11,4-1 тизимларда экилган 9-10-11 варианларда етиширилган пахта ҳосилдорлиги таҳлил қилинганида уч йилда ўртача 33,7-34,3-31,8 ц/га ни кўрсатиб, чигитлар очик майдонга 90x10-1 тизимда экилган 1-вариантга нисбатан қўшимча равишда 3,3-3,9-1,4 ц/га пахта ҳосили олинганлиги қайд этилди.



2-диаграмма. Чигит экини усуслари ва тизимларини пахта ҳосилдорлигига таъсири (2018-2020 й.)

Пуштага плёнка тўшаб, чигитлар яккақатор қилиб, 90x10-1 тизимда экилган 2-вариантнинг пахта ҳосилдорлиги ўрганилганида, уч йилда ўртача 37,0 ц/га ни ташкил этган бўлса, пуштага плёнка тўшаб, чигитлар қўшқатор қилиб, 90x(60x30)x12-1 ва 90x(60x30)x15-1 тизимларда экилган 5-6 варианларда пахта ҳосилдорлиги аниқланганида, йиллар кесимида ўртача 41,9-40,6 ц/га пахта ҳосили олинганлиги

кузатилиб, пуштага плёнка түшаб, чигитлар яккақатор қилиб, 90x10-1 тизимда экилган 2-вариантга нисбатан қўшимча равища 4,9-3,6 ц/га пахта ҳосили йиғиб олинганилиги маълум бўлди. Пуштага плёнка түшаб, чигитлар қўшқатор қилиб (76x38)x8,8-1; (76x38)x9,7-1; (76x38)x11,4-1 тизимларда экилган 12-13-14 вариантларда етиштирилган пахта ҳосилдорлиги аниқланганида, йиллар бўйича ўртача 42,8-43,6-41,3 ц/га тенг бўлганлиги кузатилиб, пуштага плёнка түшаб, чигитлар яккақатор қилиб, 90x10-1 тизимда экилган 2-вариантга нисбатан 5,8-6,6-4,3 ц/га қўшимча равища пахта ҳосили етиштирилганлиги кузатилди.

Пушталарга ёппасига плёнка түшаб, чигитлар 90x(60x30)x12-1 ва 90x(60x30)x15-1 тизимларда экилган 7-8 вариантларда пахта ҳосилдорлиги таҳлил қилинганида, уч йилда ўртача 39,5-38,4 ц/га ни қўрсатганлиги аниқланиб, пуштага плёнка түшаб, чигитлар яккақатор қилиб, 90x10-1 тизимда экилган 2-вариантга нисбатан қўшимча равища 2,5-1,4 ц/га пахта ҳосили йиғиб олинганилиги аниқланган бўлса, пушталарга ёппасига плёнка түшаб, чигитлар (76x38)x8,8-1; (76x38)x9,7-1; (76x38)x11,4-1 тизимларда экилган 15-16-17 вариантларда етиштирилган пахта ҳосилдорлиги таҳлил қилинганида, йиллар кесимида ўртача 39,2-40,0-39,1 ц/га ни қўрсатиб, пуштага плёнка түшаб, чигитлар яккақатор қилиб, 90x10-1 тизимда экилган 2-вариантга нисбатан пахта ҳосилдорлиги 2,2-3,0-1,8 ц/га юқори бўлганлиги қайд этилди.

Вариантлардан олинган натижалардан кўриш мумкинки, юқори пахта ҳосилдорлиги чигитлар очиқ майдонга экилган фонда ҳам, пуштага плёнка түшаб экилган фонда ҳам, путаларга ёппасига плёнка түшаб экилган фонда эса чигитларни қўшқатор қилиб (76x38)x9,7-1 тизимда экилган вариантлардан олинганлиги кузатилди.

Хуноса. Чигитларни пуштага плёнка түшаб, қўшқатор қилиб (76x38)x9,7-1 тизимда экиш ҳосил элементларининг шаклланишига ижобий таъсир этиб, пахта ҳосилдорлиги чигитлар очиқ майдонга 90x10-1 тизимда экилган вариантга нисбатан 13,2 ц/га, пуштага плёнка түшаб чигитлар яккақатор қилиб 90x10-1 тизимда экилган вариантга нисбатан 6,6 ц/га, пушталарга ёппасига плёнка түшаб экилган тизимларга нисбатан 5,2 ц/га юқори бўлганлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. ЎзПИТИ, Тошкент–2007. Б. 61–33.
2. Абдирманова Г. “Турли экиш усусларининг пахта ҳосилдорлиги ва биринчи терим салмоғидаги аҳамияти” // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журналининг Агро илм илмий иловаси №1 (45)–сон, 2017 йил. Б. 12-13.
3. Абдирманова Г.Ж. Турли экиш усуслари ва кўчат қалинлигининг бир дона кўсакдаги пахта вазнига ва пахта ҳосилига таъсири // Дала экинлари селекцияси, уруғчилиги ва агротехнологияларининг долзарб йўналишлари номли конференция материаллари тўплами. 2016 йил 15-16 декабрь, 2-қисм. Б. 349-351.

4. Авлиёкулов М., Гоппоров Ф. “Кўчат қалинлигининг ғўза навлари ҳосилдорлигига таъсири” // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали журналининг Агро илм илмий иловаси №4 (54)–сон, 2018 йил. Б. 8-9.
5. Мамадалиева С., Жумабоев З. “Ресурстежовчи технологиялар қўллашнинг “ЎзПИТИ-201” ғўза нави пахта толасининг технологик сифат кўрсаткичларига таъсири // Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги журналининг Агро илм илмий иловаси №1 (64)–сон, 2020 йил. Б. 9-11.